



**ТАФАККУРИ ТАЪРИХ**

**ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ**

**KNOWLEDGE OF HISTORY**

**2023, № 4**

**Панҷакент - 2023**

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ



ТАФАККУРИ ТАЪРИХ  
№ 4, 2023

ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ  
№4, 2023

KNOWLEDGE OF HISTORY  
№4, 2023

Панҷакент - 2023

**Ҳайитов Шодмон Аҳмадович**

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

**Раҳмонов Камол Жамолович**

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

**ШАЙХ АБУЛҚОСИМ САЙФУЛЛОЗОДА КИМ ЭДИ?**

**Аннотация.** Мақолада Бухоро жаидчилик ва маърифатчилик ҳаракатида муҳим роль ўйнаган ҳамда БХСР маориф нозирлиги таркибида фаолият юритган Абулқосим Сайфуллозода ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

**Таянч сўзлар:** жаид, усули жаид, ўқувчи, форс, муаллим, йиғилиш, муҳожир, Истанбул, таҳсил, бошланғич мактаб, курс, ҳукумат таркиби.

**КТО БЫЛ ШАЙХ АБУЛКАСИМ САЙФУЛЛАЗАДА?**

**Аннотация.** В данной статье будут представлены мнения об Абулқосиме Сайфуллозоде, который сыграл важную роль в джадидизме и просветительском движении Бухары и работал в Министерстве образования БНСР.

**Ключевые слова:** джаид, усули джаид, студент, персидский, учитель, собрание, иммигрант, Стамбул, образование, начальная школа, курс, состав правительства.

**WHO WAS SHAIKH ABULKASIM SAIFULLAZADA?**

**Annotation.** This article will present opinions about Abulqosim Sayfullozoda, who played an important role in Jadidism and the educational movement of Bukhara and worked in the Ministry of Education of the BPSR.

**Key words:** jadid, usuli jadid, student, Persian, teacher, Assembly, emigre, Istanbul, education, primary school, course, government composition.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: «Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жаид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидоийлиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур» [6]-деб алоҳида уқтириб ўтганди. Ўз салоҳиятимиз, куч-қудратимиз ва имкониятларимизга ишончимиз ортиб бораётган бугунги кунда аждодлар руҳи ва анъанасига садоқат кўрсатиш туйғуси кучаймоқда. Жаидчилик ҳаракатида Бухоро жаид мунавварларининг ҳам роли бекиёс бўлиб, 1923 йилнинг кузида амир монархия тартиби ағдарилганидан сўнг, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати таркиби собиқ жаидлардан тузилган эди.

2020 йилларнинг бошларида Бухоро жаидчилик ҳаракати намоёндалари ва БХСРдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар ҳақида жиддий илмий ишлар яратилди. Ёш олимлардан У.Я.Ҳайитов, А.М.Маҳмудовлар Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида диссертация ёзган бўлсалар [9], З.Жўнаев ва Ҳ.Жўраевлар БХСРдаги жараёнларни янгича тафаккур асосида талкин этдилар [3]. Жаидчилик ҳаракати олдинги сафларида турганларнинг аждод ва авлодлари ҳақида алоҳида нашрлар эълон қилинди [5].

Бироқ Бухоро жаидчилик ҳаракати намоёндаларининг сафлари кенг бўлиб, улар орасида ҳали номлари ҳатто, илмий жамоатчиликка ҳам маълум бўлмаган вакиллари бор. Шундай тарихий шахслардан бири Шайх Абулқосим Сайфуллозода (1873-1923) бўлиб,

мақоланинг асосий мазмуни баёнида мазкур жадид вакили ҳақида фикр юритиш мақсад қилиб олинди.

Муштарийлар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур мақола ёзилишига БХСР йилларида ўзбек тилида араб имлосида босилиб турган ҳукумат газетасининг 1923 йил 7 апрелда 153-сонда «Дўст» (эхтимол тахаллусдир) номли шахсининг «Марҳум Абулқосим Сайфуллозода» сарлавласи остида эълон қилган анча салмоқли мақоласи [2] туртки бўлди.

Мақола Шайх Абулқосим Сайфуллозода 1923 йил 24 мартдаги вафоти ва ўша йилнинг 25 мартидги дафн муносабати билан ёзилган. Мақолада баён қилинишича, Шайх Абулқосим Сайфуллозода камбағал оилада дунёга келган. Миллати форс. Бироқ саводи ҳаминқадар бўлмаган отасининг саъй-ҳаракати туфайли яхшигина тарбия ва илм олган. Ўз даври машойхларидан Ҳожи Мирзо Маҳмуд қўлида 1891-1897 йилларда таълим олиб, 1897 йилда Арабистонга кетиб (Арабистонда мустақил Саудия Арабистони давлати 1932 йилда вужудга келган), 11 йиллик таҳсилдан сўнг 1909 йилда Бухорога қайтиб келган. Бухорода 1909-1910 йилларда усули жадид мактабини очган. Мактаби узоқ фаолият юритмаган, мутаассиб руҳонийлар томонидан мактаб ёпилиб, ўзи таъқиб остига олинган. 1917-1918 йил воқеалари пайтида («апрел манифести», «Колесов вкеаси») Эрон орқали Истанбул (Туркия)га муҳожирликка кетган. 1920 йил БХСР ўрнатилганидан сўнг Бухорога қайтиб Бухоро халқ маорифи нозирлигида форс бўлимини бошқарган. Бухорода замонавий маориф ва таълимни йўлга қўйишда илм-салоҳияти ва тажрибасини, куч-қувватини аямай фидокорона меҳнат қилган. 1923 йил 24 сентябрда сурункали жигар хасталигидан вафот этган, 25 март куни жанозасида 1000 дан ортиқ киши қатнашган.

«Бухоро ахбори»да Абулқосим Сайфуллозода ҳақида босилган мақола илмий мушоҳадага тортилар экан, қуйидагича мулоҳаза ва хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, Сайфуллозода 1873 йилда таваллуд топганлигини ҳисобга олсак, ушбу шахс жадидчилик ҳаракати майдонида Усмон Хўжа, Садриддин Айний, Ҳамидхўжа Меҳри, Абдувоҳид Бурҳонов, Отаулла Хўжаев кабилар билан бир даврда кириб келган. У ҳатто, ушбу шахслар билан бир қаторда, ҳатто, бир қадар олдин (1909 йил) жадид мактабига асос солиб, унинг мактабида ўқувчилар форс-тожик тилида таҳсил олган. Мактабида Шарқ мамлакатлари ва Истанбулдан олиб келган дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўқитган, бир пайтнинг ўзида иқтидорли ўқувчилар орасидан янги усул мактаблари учун муаллимлар ҳам тайёрлаган. 1910-1913 йилларда Бухоро амирлиги шаҳар ва бекликларида фаолият юритган жадид мактаблари асосан 30-50 тача ўқувчилар таълим олишган. Манбада келтирилишича, Сайфуллозода мактаби катта бўлиб, унда 100-150 нафар ўқувчи ўқиган. Бундай кўп сонли ўқувчиси бор мактаб Эски Бухоро шаҳрида Усмон Хўжа томонидан очилганини ҳисобга олсак, йирик мактаблар оз сонли бўлган [1]. Усмон Хўжа мактабида 200 нафар, Шайх Абулқосим мактабида 150 нафар ўқувчи ўқиганлиги ушбу жадилар фаолияти юқори бўлганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, Шайх Абулқосим Сайфуллозоданинг Арабистонда таҳсил олганига келадиган бўлсак, Россия империяси ҳукумати йилларида Туркистон минтақаси ва Бухоро амирлигидан бир қатор ёшлар Арабистоннинг Макка, Мадина, Жидда шаҳарларига исломий илмлари (фиқҳ, ҳадис, ислом фалсафаси)дан мадраса таълимини олиш учун сафар қилганлар. Сайфуллозоданинг 11 йил таълим олиши ҳам бўлмай, бу ўлкаларда мадраса таълими 10-20 йил давом этган. Туркиялик ўзбек, журналист ва тадқиқотчи Чигатой Кўчар ўзининг «Ота юртдаги ва она юртдаги туркистонликлар» номли китобида Биринчи жаҳон урушидан олдин бир гуруҳ бухоролик ва туркистонликлар Арабистонга йўл олгани, улар ўқиш таҳсили тугаб, ўз Ватанларига қайтаётган давр урушга, алғов-далғовлар (1916 йил мардикорликка олиш, 1917 йил феврал ва октябр инқилоблари) замонида тўғри келганлиги учун Туркия шаҳарларига яшаб қолганини кўрсатади. Бундайлар орасида Ҳожи Йўлдош, Ҳожи Тошпўлат (жами 28 нафар киши) кабилар бўлган. Улар кейинчалик инглиз-юнонлардан Аданани озод қилишга Камолчилар инқилоби (1918-1922) иштирок қилганларини қайд этади [10]. Қолаверса, архив манбаларида Бухоро амирларидан Абдулаҳад (ҳукмронлиги 1885-1910) ва

унинг йирик савдогар ва амалдорлари Макка, Мадина каби Арабистон шаҳарларида савдо дўконлари, тегирмон, ер-мулклари кабиларга эга бўлганлигини тасдиқлайди [7]. Бу мулклар бир қатор мадрасаларга вақф қилиб қилиб берилган, Бухоро ёшлари уларда таълим олишда имтиёзлардан фойдаланишган.

Учинчидан, Абулқосим Сайфуллозода 1917-1918 йилларда Бухорода кечган кескин сиёсий воқеалар ҳамда жараёнлар кечган, амир томонидан жадидлар таъқиб остига олинган пайтда Туркия (Усманийлар салтанати) пойтахти Истанбулдан сиёсий бошпана излаши табиий ҳол эди. Маълумки, Истанбулда 1905-1909 йилларда тузилган «Бухоро маориф жамияти», «Бухоро илмларни тарқатиш жамияти» кабилар ҳомийлигида бухоролик ўнлаб тараққийпарвар ёшлар таҳсил олишган [8]. Шунингдек, фақат Истанбул шаҳрининг ўзида муҳожир туркистонлик (бухоролик)ларни ўз ҳимоясига оладиган 8 та текке (такя-мусофирхона)лар бўлган [4]. Истанбул теккелари аждодлари бухоролик бўлган шахслар томонидан бошқарилиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий марказлар сифатида Сайфуллозода кабилар ўз бағрига олган. Истанбулда Абулқосим Сайфуллозода муаллимлар тайёрлаш курсида таълим олган. 1920 йилда Ватанига қайтар экан, Бухорога бир қатор ўқув кўлланмалар, кўргазмалар қуроллар (харита, глобус ва ҳ.к.) олиб келган.

Тўртинчидан, Шайх Абулқосим Сайфуллозода фаолиятида ўзига хос жиҳатлар шундаки, унинг жадид мактаблари ёпилганда, яширин равишда собиқ ўқувчиларини хусусий уйларда ўқитишда давом этган, улар билан нолегал йиғилишлар қилиб, эркин фикрлашни тарбиялаган. У форс мактаблари учун таълим-тарбия курслари очган. Чунки БХСР йилларида ўқувчиларга 7 та тилда таълим берилган. Ҳатто, яхудий тилидаги мактаблар ҳам республикада фаолият юритган. Муаллимлар тайёрлашда, оддий халқни илм ва маорифга даъват этишда, аҳоли ҳуқуқий эркинлиги йўлида Сайфуллозода хизматлари беқиёс бўлди.

Хулоса. Ҳукмингизга ҳавола қилинган бир мухтасар мақолада Шайх Абулқосим Сайфуллозоданинг жадидчилик фаолияти ҳақида имкон қадар фикр юритдик. Мақолани ёзиш асносида қуйидаги мулоҳазалар туғилди. Абулқосим Сайфуллозода Арабистон ярим оролида қайси мадрасаларда 11 йил давомида таҳсил олди ва унинг ватандошлари ҳам илму толиблар орасида бордиларми? Истанбулдаги 2-3 йиллик муҳожирлик даврида жадид мунаввари қайси дорилмуаллиминда ўз ўқишини давом эттирди? Бухоро жадидлари орасида унинг энг яқин маслакдошлари ким эди? каби кўпдан-кўп саволларга жавоб излаш келажакдаги тадқиқотлар зиммасидадир.

### Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Бухоро ахбори, 153-сон. 1923 йил 7 апрел; Маҳмудов А.М. Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Фарғона-2022. -52 б.; Рози Чакируз. Юрагимга яқин гўшалар//Жаҳон адабиёти. 1996 . №5. –Б. 196-201.

2.Дўст. Мархум Абулқосим Сайфуллозода //Бухоро ахбори, 153-сон. 1923 йил 7 апрел (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида )

3.Жўнаев З. Б. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920-1924 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Бухоро-2022. -56 б. Жўраев Ҳ.А. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар (1920-1924 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Бухоро-2023 -49 б.

4.Istanbuldagi Turkistan tekkelari. -Istanbul. 2017. -294 b.

5. Рашидов О. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. –Т., 2021. -190 б. Иноятов С. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. –Бухоро: “Дурдона”. 2022. 180 б. Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Улуғларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар. 1-китоб (Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). 2-китоб (Усмон Хўжанинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). 3-китоб

(Отаулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Бухоро: “Дурдона” нашриёти. 2023 йил. 1-китоб. -280 бет; 2-китоб. -488 бет; 3-китоб. -384 бет. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: тарих фанлари докторлари, профессорлар С.Иноятов ва Қ.Ражабов. Масъул муҳаррир: Темур Хўжа ўғли (Мичиган университети, АҚШ).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси //Халқ сўзи. 2022 йил 21 декабр.

7. Ўзбекистон миллий архиви. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 234-йиғма жилд, 82, 84, 85-варақлар.

8. Ўзбекистон миллий архиви. И-3-фонд, 1-рўйхат, 268-йиғма жилд, 5-9-варақлар

9. Ҳайитов У.Я. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда туганган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Бухоро-2022. -57 б. Маҳмудов А.М. Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Фарғона-2022. -52 б.

10. Chigatay Kochar. Atayurttan anayurtga Turkistanlilar. –Adana. -2009. –b.41-48 (турк тилида).

\*\*\*

**Mashkhura Darmonova,**  
**Head of Department of UzFa Institute of History**  
**Philosophy Doctor (PhD) in History**

#### **THE NATIONAL AWAKENING ISSUE IN THE ACTIVITIES AND WORKS OF JADIDS**

(Jadidism- a type of modernistic movement widespread in the East in the 20 century)

**Annotation.** The article analyzes the widespread Jadidism movement in Turkestan in the early 20th century, along with the social-political activities of its representatives. It delves into the literary heritage and scientific contributions of the Jadids, emphasizing their aspirations for patriotism, independence, and struggle.

**Key words :** Jadidist movement, aspiration, ideology, revolution, knowledge, theater, Russian Empire, Turkestan, Chulpon, Behbudiy.

#### **ПРОБЛЕМА НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОБУЖДЕНИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ДЖАДИДОВ** (Джадидизм - разновидность модернистского движения, широко распространенного на Востоке в 20 веке

**Аннотация.** В статье анализируется широко распространенное в Туркестане в начале XX века движение джадидизм, а также общественно-политическая деятельность его представителей. В ней рассказывается о литературном наследии и научном вкладе джадидов, подчеркивается их стремление к патриотизму, независимости и борьбе.

**Ключевые слова :** джадидское движение, устремление, идеология, революция, знание, театр, Российская империя, Туркестан, Чулпан, Бехбуди.

During the period of Soviet rule, the movement of Jadidism in the national history took on its unique national identity, not as a political movement aimed at self-realization, but rather as a manifestation of a small political force with a strong national spirit. According to current research, the jadidist movement initially emerged in the political sphere. In this context, the activities of the jadids began to gain momentum across all regions of Turkestan. In the terminology of that era, the

		САНЪАТИ КИТОБАТУ ХАТТОТӢ ДАР АМОРАТИ БУХОРО)	
38.	ФАТӢУЛЛОӢ (БУХОРИӢ)	МАЧМУАТ УЛ-КОТИБИН	188
39.	ШАМСИТДИНОВ А.Ф. НАДЖМИДДИНОВ Ф.Н.	РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ	199
40.	SHERMUXAMMEDOV A.A., XAYRULLAYEV A.I.	TEKNIKA OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARNI KASBGA YO'NALTIRISHDA FIZIKA FANIDAN FOYDALANISH YO'LLARI	211
41.	ШУКУРОВ Ф.	ОБРАЗИ “ШИША” ДАР АДАБИӢТИ МУМТОЗИ ТОЧИК	215
42.	ЭРКАЕВ А..А., УСАНОВ Р.Т.	РОЛЬ И МЕСТО АБУ РАЙХАН БЕРУНИ В МИРОВОЙ НАУКИ	218
43.	ЮСУПОВ Ф. Ф.	МОӢИЯТИ СТРАТЕГИЯИ МАРКЕТИНГӢ ВА НАҚШИ ОН ДАР РУШДИ КОРХОНАӢОИ ҚУМӢУРИИ ТОЧИКИСТОН	224
44.	КАРИМОВА Г.Р.	АКАДЕМИК БОБОДЖОН ГАФУРОВ И ЕГО РОЛЬ В СТАНОВЛЕНИИ И РАЗВИТИИ АРХЕОЛОГИИ ТАДЖИКИСТАНА	227
45.	MIRZAYEVA N. J. TURSUNOVA M.	MIRZACHO'L VOHASI VA BUYUK KNYAZ N.K.ROMANOV	238
46.	САИДМУРОДОВА М.Т.	ӢОЛАТӢОИ РАВОНӢ ВА ТАЪСИРИ ОН БА ӢАӢТУ ФАӢОЛИЯТИ ИНСОН (Қайдҳои равоншинос дар хошияи зиндагӢ)	243
47.	ФАТӢУЛЛОӢ САБЗАВОРИӢ	УСУЛ ВА ҚОИДАИ ХУТУТ	256
48.	ӢАЙИТОВ Ш.А., РАӢМОНОВ К. Ж.	ШАЙӢ АБУЛҚОСИМ САЙФУЛЛОЗОДА КИМ ЭДИ?	299
49.	DARMONOVA M.	THE NATIONAL AWAKENING ISSUE IN THE ACTIVITIES AND WORKS OF JADIDS (Jadidism- a type of modernistic movement widespread in the East in the 20 century)	302
50.	ШОДИЕВА Ш.С.	БИРИНЧИ ЖАӢОН УРУШИ ӢИЛЛАРИДА БУХОРО ВА УСМОНЛИ ТУРК	309